

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекэкспертиза” АЖ
акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилиши
2024 йил “19” ноябр даги
4/2024-УЙ-сон қарорига
3 - илова

“ЎЗБЕКЭКСПЕРТИЗА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ТҮГРИСИДАГИ
НИЗОМИ

(янги таҳрирда)

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги
Низоми

Мундарижа

1.	Умумий қоидалар	2
2.	Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари	3
3.	Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуки. Акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатга олиш.....	5
4.	Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш.....	7
5.	Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш.....	10
6.	Умумий йиғилишнинг кворуми	12
7.	Умумий йиғилишнинг ишчи органлари.....	12
8.	Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби	14
9.	Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси.....	14
10.	Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини ижро этиш	15
11.	Якуний қоидалар	16
	Иловалар.....	17

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом “Ўзбекэкспертиза” АЖ Акциядорлари умумий йиғилишининг (бундан буён матнда - Жамият) мақоми ва ваколатини белгилайди, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ташкиллаштириш, чақириш ва ўтказиш муддатларини ҳамда шартларини, шунингдек қарорқабул қилишни тартибга солади.

1.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи
хисобланади.

1.3. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва
акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига, бошқа норматив-
хуқуқий ҳужжатларга ва Жамиятнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.4. Жамият акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиши
шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти
ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилиши
одатда ҳар йили март ойидан май ойигача бўлган даврда ўтказилади. Шу билан бирга,
Кузатув Кенгashi мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши
санасини кўриб чиқиш ва йиғилишга бошқа санани тайинлаш хуқуқига эга.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар ҳал этилади:
- Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссиясини сайлаш (агар мавжуд бўлса);
- Жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзолари билан шартномани узайтириш, қайта
тузиш ёки бекор қилиш;
- Жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш учун кўрилган/кўрилаётган
чоратадбирлар тўғрисида Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, Кузатув Кенгashi ва
Жамиятнинг ижро органи ҳисоботларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойда ва зарарларининг тақсимланиши;

- зарур холларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Жамиятнинг Уставига, ушбу Низомга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлари Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишлари деб ҳисобланади.

1.7. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, уни ўтказиш ҳақида акциядорларни хабардор қилиш тартиби ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик қўришда акциядорларга тақдим этиладиган материаллар (ахборот) рўйхати Жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан белгиланади, Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядор (акциядорлар)нинг ташаббуси билан чақирилган ҳоллар бундан мустасно.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига қуидагилар киради:

2.1.1. Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

2.1.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

2.1.3. Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

2.1.4. Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

2.1.5. Жамиятнинг ижроия органини сайлаш, у билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;

2.1.6. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

2.1.7. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш;

2.1.8. Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

2.1.9. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

2.1.10. Йил якуни бўйича Жамият томонидан бизнес - режада белгиланган асосий параметрлар бажарилган тақдирда Жамият бошқарув органларига Қонунчиликда ўрнатилган тартибда рағбатлантириш маблағлари миқдорини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

2.1.11. Жамиятнинг йиллик ҳисботини, бизнес режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

2.1.12. Жамиятнинг фойдаси ва заرارларини тақсимлаш;

2.1.13. Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир Қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини эшитиш;

2.1.14. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва мазкур уставда назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

2.1.15. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

2.1.16. Акцияларни майдалаш ва йириклиштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.17. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8 - бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортигини ташкил этувчи мол - мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

2.1.18. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9 - бобига асосан Жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.19. Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

2.1.20. Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, ахборот сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама - қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

2.1.21. Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган толовларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муқим кўрсаткичларига боғланган ҳолда белгилаш;

2.1.22. Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлик битимларни белгилаш;

2.1.23. Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

2.1.24. Қонунчиликда назарда тутилган холларда Жамият номидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.25. Аудиторлик текширувани, шу жумладан ҳалқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўtkазиш бўйича қарор қабул қилиш;

2.1.26. мажбурий аудиторлик текширувани ўtkазиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.27. Жамиятда самарали ички назорат механизмининг ташкиллаштириш мақсадида “Ички назорат сиёсати тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш;

2.1.28. Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш бўйича хулосаларни тасдиқлаш;

2.1.29. Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги ташкилотлар учун корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этилмаганлиги учун жавобгарлик белгилаш;

2.1.30. қонун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига кирувчи масалалар бўйича қарор қабул қилиш Кузатув Конгасига ва Жамиятнинг ижро органига берилиши мумкин эмас.

2.3. Куйидаги масалалар бўйича қарорлар Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар умумий сонининг тўртдан уч қисми - акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи овоз бериш акцияларининг эгалари (тегишли малакага эга бўлган кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

- Жамиятнинг Уставига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг Уставиниянги таҳрирда тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиши, тугатувчини тайинлаш (тугатиши комиссияси) ва оралиқ ва якуний тугатиши балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Кузатув Кенгашининг ҳисоботларини ва Жамиятнинг Тафтиши комиссиясининг (агармавжуд бўлса) ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича хулосаларини эшлиши, шу жумладан Жамиятни бошқариш бўйича қонунчилик талабларига риоя қилиш;

- Жамият томонидан йирик битимларни тузиш;

- Жамият томонидан аффилланган шахслар билан битимларни тузиш;

2.4. Овозга қўйилган бошқа масалалар бўйича қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари - акциядорларнинг кўпчилик овози (оддий кўпчилик) билан қабул қилинади.

2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлар, Кузатув Кенгashi аъзолари ва назорат қилувчи органлар ўртасида ўзаро ишонч, хурмат, ҳисобдорлик ва назорат асосидаги шерикликни таъминлайди.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқейидан қатъий назар, барча акциядорларга тенг муносабатда бўлишни таъминлайди.

III. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши расман эълон қилинган санадан уч календарь кун олдин шакллантирилган Жамиятнинг акциядорлари реестрида рўйхатга олинган акциядорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши ҳуқуқига эга ҳисобланади.

3.2. Акциядорнинг талабига кўра, Жамият унга Акциядорларнинг умумий йиғилиши учун шакллантирилган акциядорлар реестрига киритилганлиги тўғрисида маълумот тақдиметиши шарт.

3.3. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга ўз маблағи ҳисобидан тўлдирилган сайлов бўллетенининг нусхасини олиш имкониятини беради.

3.4. Жамият акциядорлари реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди, белгиланган реестрга уни шакллантириш санасида киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки шакллантириш вақтида йўл қўйилган хатоларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузатиш бундан мустасно.

3.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамиятнинг акциядорлари реестрида рўйхатга олинган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлари, Жамиятнинг саноқ комиссияси, аудиторлик текширувани ўтказган аудиторлик ташкилоти вакили, Жамиятнинг Кузатув Кенгashi ва ижро органлари аъзолари (агар бўллетенларга Кузатув Кенгashi ва Жамиятнинг назорат органларига сайлаш бўйича овоз бериш учун киритилган номзодлар муҳокама) қилинган тақдирда), шунингдек Миноритар акциядорлар қўмитаси (мавжуд бўлган тақдирда), Кузатув кенгashi раисининг таклифига биноан бошқа шахслар иштирок этиши мумкин.

3.6. Жамиятнинг Кузатув Кенгashi, ижро органи шунингдек аудиторлик

текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз органининг ҳисоботи билан иштирок этиши шарт.

3.7. Умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш баённомасида кўрсатилган жойда ва вактда рўйхатдан ўтишлари керак.

3.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун келган жисмоний шахсларни паспорт ёки акциядор шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим этилганда, вакилни нотариус томонидан тасдиқланган ишончномага кўра рўйхатга олиш амалга оширилади.

3.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамиятнинг акциядори бўлган юридик шахс раҳбари ўз ваколатларини лавозимга тайинланиши тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат асосида ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.10. Акциядорнинг вакили - юридик шахс ўз номига ташкилотнинг раҳбари ёки қонунчиликка мувофиқ ваколат берилган бошқа шахснинг имзоси билан берилган ушбу ташкилотнинг мухри билан тасдиқланган ишончномага эга бўлганда, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин.

3.11. Акциядор исталган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз вакилини алмаштириши ёки унда шахсан ўзи иштирок этиши мумкин.

3.12. Жамиятнинг акциядорлари реестрига мувофиқ рўйхатга олиш рўйхати 1- иловадаги шаклда тузилади. Рўйхатга олиш рўйхати жамланиши, рақамланиши, тикилишива Жамият мухри билан муҳрланиши керак.

3.13. Умумий йиғилишни ўтказиш давомида акциядорлар (уларнинг вакиллари) Жамиятнинг акциядорлари реестрига мувофиқ белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз бериш акцияларининг сони асосида овоз бериш учун рўйхатга олиш рўйхатини имзолайдилар ва бюллетенлар тўпламини оладилар (2-илова).

3.14. Агар йиғилиш иштирокчиси бир ёки бир нечта акциядорларнинг манфаатларини акс эттириш учун ишончнома тақдим этган бўлса, у ўз манфаатларини ифода этадиган акциядор (акциядорлар)нинг овоз бериш бюллетенини ва рўйхатга олиш рўйхатида, у томонидан тақдим этилган акциядорнинг номи ёнида, “_” йилда берилган ишончномага мувофиқ_____та (сони) овоз бериш акциялари” ёзуви киритилади, шунингдек, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3.15. Номинал ушлаб турувчи Акциядорларнинг умумий йиғилишида акцияларни ушлаб туриш топширигини берган шахс билан тузилган шартномага мувофиқ иштирок этади;

3.16. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томониданамалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахбороткоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон

рақамли имзо билан тасдиқланади.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ушбу низомнинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда ва тайёргарликни сифатли ўтказиш мақсадида Жамиятнинг ижро органи корпоратив маслаҳатчи билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан танланган аудиторлик ташкилоти билан аудиторлик шартномасини тузиш, шунингдек, халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ аудиторлик шартномаси бўйича ташки аудитни тугатиш учун аниқ муддатни белгилаш;

- халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг ташки аудитини ўтказгандан сўнг, уларни ҳар йили акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан икки хафта олдин эълон қилинишини таъминлаш;

Шунингдек, Жамиятнинг ижро органи қуйидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди):

- умумий йиғилиш регламенти, соф фойданинг тақсимланишида (зараарларни қоплашда), ҳар бир йўналишнинг асосланганлиги, умумий йиғилишда кўриб чиқилган бошқа ҳужжатлар, шунингдек саноқ комиссиясини шакллантириш бўйича таклифлар лойиҳаси. Жамият акциядорларининг Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш бўйича таклифлари, шунингдек Жамиятнинг Кузатув Кенгашига қўйилган номзодлар тўғрисидаги тўғрисидаги, шунингдек бошқа маълумотлар;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, шунингдек, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадлари, Жамиятни аниқ муддатга белгиланган ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси;

- Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларини амалга ошириш ва аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказиш, ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар юзасидан ижро органининг ҳисоботи.

4.2. Жамиятнинг ижро органи ушбу Низомнинг 4.1-банди иккинчи қисмида кўрсатилган материалларни ишлаб чиқкандан (тайёрлагандан) сўнг уларни Кузатув Кенгашига кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун тақдим этади.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўрилаётганда Жамиятнинг Кузатув Кенгаши қуйидагиларни аниқлади:

- умумий йиғилишни ўтказиш санаси, жойи ва вақтини;
- умумий йиғилиш кун тартибини;
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш ва акциядорларни хабардор қилиш учун Жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш санасини;
- Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш тартибини;
- Умумий йиғилишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида

карор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби.

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Жамият қузатув кенгашининг Бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек Жамиятнинг қузатув кенгаши номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳирдаги устави лойиҳаси, умумий йиғилиш кун тартиби бўйича қузатув кенгашининг фикри.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунига қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши керак.

4.8. Агар Жамиятнинг акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтган шахс акциялар номинал сақловчиси бўлса, умумий йиғилиш тўғрисидаги хабарнома акциялар номинал сақловчисига юборилади. Акциялар номинал сақловчиси бу хабарномани қонун хужжатларида ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда ўз мижозлари эътиборига етказиши шарт.

4.9. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар (З-иловада кўрсатилган шаклда) Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан, Жамиятнинг молиявий йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмасдан юборилади. Мазкур акциядорлар шунингдек акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар қўйиш ва

Жамиятнинг Кузатув Кенгашига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг сони ушбу органлар сонидан ошмаслиги лозим, кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатишбундан мустасно.

Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ўzlари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишига ҳақли.

4.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади. Жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.11. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 4.9-бандида белгиланган муддатдан 10 кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.12. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

озов бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

мазкур Низомнинг 4.9-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядор (акциядорлар) мазкур Низомнинг 4.9-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

мазкур Низомнинг 4.10-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
таклифлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.13. Жамиятнинг Кузатув Кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига номзод киритишни, Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиладиган бирор масалани асосли рад этиш тўғрисидаги Жамият Кузатув Кенгашининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай, таклифни тақдим этганакциядорга (акциядорларга) юборилади.

4.14. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра қуйидаги асосларга кўра ўтказилади:

- ўз ташаббусига кўра;

• ёзма талаб тақдим этилган санада овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади (4-илова).

5.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Жамиятнинг кузатув кенгашининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқсан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичидаги Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу Низомнинг 5.1-бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- кун тартибиага киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

- кун тартибиага киритиш учун таклиф этилган масала Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Кузатув Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисидаги асосли қарори қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган шахсларга юборилади.

5.10. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши 10 кун ичиде акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш түғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни мазкур Низомнинг 5.7-бандида кўрсатилмаган важларга кўра рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.12. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ваколатларини эрта тугатиш масалаларини кўриб чиқишда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ушбу Низомнинг 5-иловасида кўрсатилган тартибда чақирилади.

5.13. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қонунга мувофиқ шундай хуқуққа эга бўлган акциядор (акциядорлар) томонидан чақирилса, акциядор (акциядорлар) ўз қарорини ёзма равища тузади. Қарорда акциядор (акциядорлар)нинг номи (Ф.И.Ш), акциядорнинг ваколатли мансабдор шахси (юридик шахс учун) ва акциядорга (акциядорларга) қарашли овоз берувчи акциялар сони кўрсатилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақириш түғрисида қарор қабул қилишда акциядор (акциядорлар) ушбу Низомнинг 4.3-бандида кўрсатилган масалаларни аниқлайди. Бундай ҳолда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши акциядор (акциядорлар) томонидан ушбу Низомларнинг IV бўлимидаги белгиланган тартибда чақирилади. Шу билан бирга:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши түғрисидаги ахборотни Жамиятнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш Жамият Бошқаруви томонидан акциядорнинг (акциядорларнинг) хабарномани жойлаштириш түғрисидаги ёзма сўрови асосида оширилади;

- Жамият акциялари эгаларининг реестрини шакллантириш бўйича топшириқ бевосита акциядор (акциядорлар томонидан) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни тасдиқловчи ҳужжатлар (депо ҳисобидан кўчирма, зарур маълумотларни ўз ичига олган Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш қарорининг нусхаси, йиғилиш ўтказишни рад этиш түғрисидаги хабарнома) ни тақдим этган ҳолда Марказий қимматли қоғозлар депозитарийсида рўйхатга олинади.

VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ КВОРУМИ

6.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, агар рўйхатга олиш якунида Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг 50 фоиздан ортиқ овозига биргаликда эгалик қилиб турган акциядорлар (уларнинг вакиллари) умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган бўлса, қарор қабул қилиш хуқуқига (кворумга) эга бўлади.

6.2. Агар кворум йиғилишнинг режалаштирилган бошланиш вақтидан бошлаб 60 дақиқа ичиде йигилмаган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишининг янги санаси эълон қилинади.

6.3. Акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига такрорий чақирилган умумий йиғилиши, рўйхатга олиш тугаган вақтда, Жамиятнинг эълон қилинган овоз бериш акцияларининг 40 фоизидан ортиқ овозига умумий ҳисобда эгалик қилган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлсалар, қарор қабул қилишга ҳақли деб ҳисобланади.

6.4. Агар такрорий чақирилган йиғилишда кворум тўпланмаган бўлса, акциядорлар

ташаббуси билан чақирилган йиғилиш ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва бошқа қайта чақирилмайди; Жамиятнинг Кузатув Кенгаши, ташаббуси билан ўтказиладиган йиғилиш Жамиятнинг эълон қилинган овоз бериш акцияларининг жами 40 фоизидан кўп миқдорига эга бўлган акциядорларнинг (уларнинг вакилларининг) тўлиқ иштироки таъминланмагунча тақроран чақирилаверади.

6.5. Агар акциядорлар умумий йиғилишининг санаси кворум бўлмаганлиги сабабли 20 кундан кам муддатга қолдирилганда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрига мувофиқ белгиланади.

VII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари қуидагилардир: Раёсат, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсати ва раиси (Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда) Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Шу билан бирга, Кузатув Кенгаши раиси лавозимига кўра Акциядорлар умумий йиғилиши раёсати таркибида киради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига раҳбарлик қиласди, йиғилишнинг ўтказилишини таъминлади ва ўз вазифаларини тўғри бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш раиси йиғилишнинг боришини бошқаради, умумий йиғилиш ишчи органларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маъruzачиларнинг чиқиш вақтини чеклайди, йиғилиш давомида ва овоз бериш жараёнида тушунтиришлар беради, залда тартибни назорат қиласди.

7.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси, акциядорларнинг илтимосига кўра, умумий йиғилишни аудио - видеоёзувга олинишига ва интернет тармоғида эфирга узатилишига рұксат бериш ҳуқуқига эга.

7.6. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.7. Овозларни санаш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини чиқариш учун

Жамиятнинг Кузатув Кенгаши Саноқ комиссиясини тузади. Саноқ комиссияси аъзоларининг миқдори ва таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.8. Саноқ комиссияси таркибida уч кишидан кам киши бўлмаслиги лозим. Саноқ комиссияси функцияларини амалга ошириш учун мустақил экспертлар жалб қилиниши мумкин. Саноқ комиссиясига Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолари, Жамиятнинг Жамиятнинг Бошқарув аъзолари, шунингдек ушбу лавозимларга кўрсатилган номзодлар киритилмаслиги мумкин.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.10. Овоз бериш бюллетенлар орқали амалга оширилганда овоз бериш масалалари вариантиларидан фақат биттаси қолдирилганда ҳисобга олинади. Юқорида кўрсатилган талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича овозлар ҳисобланмайди.

7.11. Овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масалалар кўрсатилган бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан юқоридаги талабга риоя этмаслик овоз бериш бюллетенининг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.12. Саноқ комиссияси ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш қисми бўйича Акциядорлар умумий йиғилишининг мустақил доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади ва Кузатув Кенгаши таклифи билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

7.13. Саноқ комиссиясининг ваколат муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) йиғилиши томонидан саноқ комиссиясининг янги таркиби сайлангунга (ёки қайта сайлангунга) қадар давом этади.

7.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўрилаётганда саноқ комиссияси Кузатув Кенгаши топшириғи билан қўйидаги функцияларни бажаради:

- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;
- умумий йиғилишда овоз бериш бюллетенларини ва бошқа материалларни тайёрлайди ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенларнинг ҳисобини юритади.

7.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:

- умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини рўйхатга олади; • ишончномалар ва улар билан берилган ваколатлар ҳисобини юритади;
- умумий йиғилиш учун овоз бериш бюллетенларини ва бошқа маълумотларни (материалларни) тарқатади;
- умумий йиғилишнинг кворуми борлиги ёки йўқлигини аниқлайди.

7.16. Таркиби ўтказилаётган Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган Саноқ комиссияси:

- акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;
- умумий йиғилишда овоз бериш хукукларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

- овозга кўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;
- овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
- овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг идоравий архивига топширади.

VIII. УМУМИЙ ЙИФИЛИШНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби (регламент) Акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида ушбу Низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Кузатув Кенгаши раиси (узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда, Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларидан бири) Раёсат ва Акциядорлар умумий йиғилиши котибини сайлаш ва саноқ комиссияси аъзоларининг миқдорини ва таркибини тасдиқлашни таклиф қиласди.

8.3. Раёсат таркибини, саноқ комиссиясини ва Акциядорлар умумий йиғилиши котибининг номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор очик овоз бериш йўли билан иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

8.4. Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби йиғилишнинг мўлжалланаётган якуни, нутқларнинг давомийлиги ва танаффуслар, кун тартибидаги масалалар кетма-кетлиги, кун тартибидаги масалалар бўйича маъruzачиларнинг фамилиялари ва лавозимлари, овоз бериш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

8.5. Кузатув кенгаши, ижро органи учун мукофотлар ва компенсациялар миқдори, шунингдек тақсимланадиган соф фойда миқдори, дивидендлар миқдорини асослаш, Жамиятнинг дивиденд сиёсати билан уларнинг мувофиқлигини баҳолаш (зарур ҳолларда, соф фойданинг маълум бир қисмини Жамиятнинг ривожланишига йўналтиришини тушунтириш ва иқтисодий асослантириш) Акциядорларнинг умумий йиғилишида батафсил ошкор (эълон) қилиниши керак.

8.6. Йиғилиш давомида қелиб чиқадиган долзарб масалаларни асосий принципдан келиб чиқсан ҳолда раис якка ўзи ҳал қиласди: Акциядорларнинг умумий йиғилишида мухокама қилинаётган масала бўйича ажратилган вақт ичida ҳар бир иштирокчи сўзлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

8.7. Кун тартибидаги масалалар мухокамасида иштирок этишни хоҳловчилар умумий йиғилиш котибига мухокамадаги масалани кўрсатган ҳолда ёзма сўров тақдим этадилар.

8.8. Кун тартибидаги барча масалалар мухокама қилиниб, қарорлар қабул қилингандан ва овоз бериш натижаларини саноқ комиссияси эълон қилгандан сўнг, раис Акциядорларнинг умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласди.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИФИЛИШИННИГ БАЁННОМАСИ

9.1. Умумий йиғилиш котибиятининг миқдорий ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси, корпоратив бошқарув ходими умумий йиғилиш котибиятига сайланиши (киритилиши) мумкин.

9.2. Умумий йиғилиш котиби:

- умумий йиғилиш баённомасини юритади;
- йиғилиш кун тартибидаги масала мұхокамасыда ёзма талаблар асосида иштирек этишни хоҳловчилар рўйхатини юритади;
- Акциядорлар умумий йиғилиши якунланганидан кейин ўн қундан кечиктирмай икки нұсқада Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини тузади.

- 9.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасыда қуидагилар кўрсатилади:
- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
 - акциядорлар - Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари томонидан тасарруф этиладиган овозларнинг умумий сони;
 - йиғилишда иштирек этаётган акциядорларнинг овозлари сони;
 - йиғилиш раиси (Раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
 - чиқишлиарнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари, умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар.

Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлашда, Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасыда қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

9.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

9.5. Саноқ комиссиясининг баённомаси йиғилишнинг маҳсус қарори билан тасдиқланмайди, маълумот учун қабул қилинади ва умумий йиғилиш баённомасига илова қилинади.

9.6. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин акциядорларнинг қоғоздаги ёки электрон жисмдаги овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан мухранади ва жамият архивига сақлаш учун топширилади.

X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРИНИ ИЖРО ЭТИШ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш натижалари акциядорлар эътиборига қуидаги тартибда ҳавола этилади:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши якунда (шахсан иштирек этилганда) ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилганда, акциядорларнинг умумий йиғилиши тугаганидан сўнг акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилган ҳар бир масала ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш натижалари билан йиғилишни ўтказувчи операторнинг электрон платформасида танишиб чиқишлиари мумкин;
- акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилгандан сўнг икки иш куни мобайнида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органнинг,

“Тошкент” РФБ ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида фактлар хақидаги маълумотларни эълон қилиш орқали.

10.2. Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг баённомаси имзоланган куни Жамият Бошқарувига ижро этиш учун тақдим этилади. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини ижро этиш, агар қарорда бошқача тарзда белгиланмаган ва умумий йиғилиш баённомасида акс эттирилмаган бўлса, Жамият Бошқаруви ва Кузатув Кенгаши томонидан ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича ташкил этилади.

10.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши устидан назоратни, агар қарорда бошқача тартиб назарда тутилмаган ва йиғилиш баённомасида акс эттирилмаган бўлса, Жамиятнинг Кузатув Кенгаши амалга оширади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари умумий йиғилишда иштирок этган ва иштирок этмаган барча акциядорлар учун уларга тегишли қисмда мажбурийдир.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

11.2. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

11.3. Ушбу Низомга амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгаришлар муносабати билан ва/ёки Жамиятнинг Уставига киритилган ўзgartириш ва қўшимчалар муносабати билан ўзgartириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

11.4. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ўзgartиришлар киритилиши натижасида, ушбу Низомнинг айрим қоидалари қонун ҳужжатларига зид келган тақдирда, Низомнинг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қисми амал қилишда давом этади. Низомнинг Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига зид бўлган қисмлари ўз кучини йўқотади ва Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу қисмдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тегишли нормалари билан тартибга солинади.

**Кузатув Кенгаши ваколатларини муддатидан олдин тугатиш учун акциядорларнинг
навбатдан ташқари умумий йиғилишини ташкил этиш
ТАРТИБИ**

1. Кузатув Кенгаши фаолиятини муддатидан олдин тугатиш масаласи бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш асослари:

- Кузатув Кенгашининг қарори;
- Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма сўрови;
- сўров санасида Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг ёзма сўрови.

2. Кўрсатилган масалалар бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни талаб қилиш сабаблари қўйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Уставга, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига риоя этмаслик;
- Жамиятга ва акциядорларнинг мулкий ҳукуқларига зарап етказиш, шу жумладан молиявий-хўялик фаолиятининг сезиларли даражада ёмонлашуви, фойданинг пасайиши ва ишлаб чиқариш рентабеллиги, маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг асоссиз камайиши;
- Жамиятнинг иқтисодий начорлиги (банкротлиги) белгилари ёки таҳдидларининг мавжудлиги, давлат бюджетига, бюджетдан ташқари фонdlардан қарзларнинг ва ходимларга иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ қарзларнинг мавжудлиги.

3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги сўров йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалаларнинг аниқ сабаблари ва уларнинг асосланганлигини ўз ичига олган ҳолда Кузатув Кенгашига тақдим этилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги сўровда Кузатув Кенгаши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласидан ташқари кун тартибига Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласи ҳам киритилиши керак.

Кузатув Кенгашинининг янги таркибини сайлаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши умумий йиғилишда амалдаги Кузатув Кенгаши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейингина амалга оширилади.

Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги сўров акциядор (акциядорлар) томонидан келиб тушган тақдирда, мазкур сўров йиғилиш чақирилишини талаб қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) фамилияси, исми, отасининг исми (юридик шахснинг номи) ва унга тегишли акциялар сони ва тури кўрсатилган бўлиши керак.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги сўров унинг чақирилишини талаб қилувчи шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

4. Кузатув Кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган масалалар таҳририга ўзгартериш киритмаслиги ва акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёзма сўров

тақдим этилган санадан 30 кундан кечиктирмай чақирилишини таъминлаши шарт. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш учун Жамиятнинг камидаги 5% лик овоз бериш акцияларига эга бўлган акциядор (акциядорлар) сўров тақдим этган кундан бошлаб 10 кун ичидаги Кузатув Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чакириш ёки уни чакиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Кузатув Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисидаги қарори ёки уни чакиришни рад этиш тўғрисидаги асосли қарори қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай чақирилишини талаб қилувчи шахсларга юборилади.

5. Кузатув Кенгашининг Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Жамият Кузатув Кенгаши белгиланган муддат ичидаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чакиришни талаб қилган шахслар томонидан чакирилиши мумкин.